Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**21.06.2022 даги**

**чп"Ж.Курбонкулов" ва 32-сонли болалр мусиқа мактаби ўртасида 15750000,00 сўм умумий суммага тузилган 11 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 056

Шахсий ғазна ҳисобварақ 400622860272657096600056001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4299990 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | 15 750 000,00 | | | 15 750 000,00 |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **15 750 000,00** | | | **15 750 000,00** |

Жами 15750000,00 сўм Ўн беш миллион етти юз эллик минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 4725000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***2022 июнь ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ________ (имзо) Ли Валентина Ивановна (Ф.И.Ш.)

М.У.

Буюртмачи бош бухгалтери ________ (имзо) Джамилова Холида Хабибуллаевна (Ф.И.Ш.)

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ________ (имзо)

«___» ________________ 20___ й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ________ (имзо)

«___» ________________ 20___ й.

**Хизмат кўрсатиш бўйича 11-сонли шартнома**

Келес шаҳри 2022-йил 21 июнь

Тошкент вилояти Тошкент тумани 32-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби номидан Устав асосида иш юритувчи мактаб директори В. И. Ли бир томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) ҳамда гувоҳнома асосида иш юритувчи якка тартибдаги тадбиркор KURBANKULOV JASUR ABDURAZZOKOVICH номидан J. KURBANKULOV, иккинчи томондан (бундан буён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ ўқув методик ресурслар электрон кутубхонасини яратиш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу хизматни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

– бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;

– лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:

– камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;

– баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;

– шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

– ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;

– ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

– буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

– буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

– ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

– агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

## III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 15 750 000 (Ўн беш миллион етти юз эллик минг) сўм, ҚҚС сиз.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ғазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган суммaнинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент вилоят иқтисодий судида ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг

йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноxуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

**Бажарувчи:**

**Якка тартибдаги тадбиркор Kurbankulov Jasur Abdurazzakovich**
**СТИР:** 464766878
**Юридик манзил:** Тошкент ш.,Чилонзор 2-34-7
**Ҳисоб-китоб х/р** 20218000304399701001
АТИБ "Ипотекабанк" Чилонзор филиалида
**МФО** 00997

**Буюртмачи:**

**Тошкент вилояти Тошкент тумани 32-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби**
**ИНН:** 206 937 517
**Юридик манзил:** Келес шаҳри,
Боги Эрам кўчаси, "Файзиобод" МФЙ
**Ҳисоб-китоб х/р** 400 622 860 272 657 096 600 056 001
**МФО** 00014
**Молия Вазирлиги Ғазначилиги**
**ИНН:** 201122919
**Банк: Марказий банк Тошкент ш. б. б. ХККМ**
**Ҳисоб-китоб х/р** 23402000300100001010
**МФО** 00014

**Бажарувчи:** ____________ **Ж. Курбанкулов**

**Буюртмачи:** ____________ **В. Н. Ли**

CHILONZOR HIMOYA ADVOKATLAR HAY'ATI

адвокат М. М. Юсупов

2022-йил 21-июндаги

11-сонли шартномага 1-илова

# СПЕЦИФИКАЦИЯ

| №№ | Хизмат | Ўлчов бир-лиги | Мик-дори | Нархи | Сумма | ҚҚС | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ўқув-методик ресурслар электрон кутубхонасини яратиш | тўплам | 1 | 15750000 | 15750000 | ҚҚСсиз | 15 750 000 |
| | **ЖАМИ** | | | | | | **15 750 000** |

**Бажарувчи:**

**Якка тартибдаги тадбиркор Kurbankulov Jasur Abdurazzakovich**
**СТИР:** 464766878
**Юридик манзил:** Тошкент ш.,Чилонзор 2-34-7
**Ҳисоб-китоб х/р** 20218000304399701001
АТИБ "Ипотекабанк" Чилонзор филиалида
**МФО** 00997

**Бажарувчи:** __________ **Ж. Курбанкулов**

**Буюртмачи:**

**Тошкент вилояти Тошкент тумани 32-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби**
**ИНН:** 206 937 517
**Юридик манзил:** Келес шаҳри,
Боғи Эрам кўчаси, "Файзнобод" МФЙ
**Ҳисоб-китоб х/р** 400 622 860 272 657 096 600 056 001
**МФО** 00014
**Молия Вазирлиги Ғазначилиги**
**ИНН:** 201122919
**Банк: Марказий банк Тошкент ш. б. б. ХККМ**
**Ҳисоб-китоб х/р** 23402000300100001010
**МФО** 00014

**Буюртмачи:** __________ **В. И. Ли**

адвокат И. И. Шипов

+
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADVOKATLAR PALATASI

«CHILONZOR - HIMOYA»
ADVOKATLAR HAY'ATI

ПАЛАТА АДВОКАТОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

КОЛЛЕГИЯ АДВОКАТОВ
«CHILONZOR - HIMOYA»

100115, Тошкент шахри, Чилонзор тумани, Чилонзор 2-мавзеси, 54-уй, 37-хона
Телефонлар: (0371) 277-49-76, 277 66-66

# ХУКУКИЙ ХУЛОСА
## Хизмат курсатиш буйича 11-сонли шартнома

Келес шахри 2022 йил 21 июнь

Тошкент шахар «Чилонзор-Химоя» Адвокатлар хайъати Низом асосида фаолият курсатувчи узининг устави асосида иш юритувчи Тошкент вилояти Тошкент тумани 32-сонли болалар мусика ва санъат мактаби номидан Устави асосида иш юритувчи мактаб директори, В.И.Ли бир томондан (бундан буён матнда «Буюртмачи» деб юритилади) хамда гувохнома асосида иш юритувчи якка тартибдаги тадбиркор Курбанкулов Жасур Абдураззакович номидан, иккинчи томондан (бундан буён матнда «Бажарувчи» деб юритилади) куйидагилар хакида мазкур хизмат курсатиш буйича 2022 йил 21 июндаги 11-сонли шартномани туздик:

Шартнома предмети: укув-методик ресурслар электрон кутубхонасини яратиш

Харид нархи 15 750 000 ( ун беш миллион етти юз эллик минг ) сумни ташкил этади.

Такдим этилган шартнома лойихасида кузда тутилган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 353-385-моддалари билан хамда бошка конун хужжатлари билан тартибга солинади.

Ўз мазмунига кура шартнома лойихасининг шартлари Ўзбекистон Республикасининг харакатдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Тарафларнинг жавобгарлиги меъёри масаласида шартнома лойихасида «Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки тегишли тарзда бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг харакатдаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган миқдорда ва тартибда мулкий жавобгарликка тортиладилар», деб кўрсатилган. Ушбу қоида тарафлардан биронтаси ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли тарзда бажармаган тақдирда унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида кўзда тутилган барча жавобгарлик турларини қўллаш имкониятини беради.

Шартнома лойихасида кўрсатилган низоларни хал этиш тартиби хам Ўзбекистон Республикасининг харакатдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

«Чилонзор-Ҳимоя»
Адвокатлар Ҳайъатини адвокати М.М.Юсупов

CHILONZOR HIMOYA ADVOKATLAR HAY'ATI

3488721

Yakka tartibdagi tadbirkor davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
(Yakka tartibdagi tadbirkor)

# GUVOHNOMA

KURBANKULOV JASUR ABDURAZZOKOVICH ga

(Yakka tartibdagi tadbirkorning to'liq ism, familiyasi va otasining ismi)

berildi, unga nisbatan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

02.09.2020 1257178 raqamli yozuv bilan ro'yxatga kiritiladi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 464766878

Pasport Seriyasi: AA Raqami: 0096861 22.05.2012 y. sanada berilgan

ЧИЛАНЗАРСКИЙ РУВД ГОРОДА ТАШКЕНТА

(Pasport bergan organning to'liq nomi)

Uy manzili: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, , 2-mavze, 34-uy, 7-xonadon

Amalga oshiriladigan faoliyat tur(lar)i: Komp'yuter dasturlarini ishlab chiqish xizmatlari, komp'yuter o'yinlarini tashkil etish, shuningdek komp'yuter yordamida matnlarni terish va bosib chiqarish xizmatlari, matndan nusxa olish va ko'paytirish bilan bog'liq xizmatlar

Faoliyatni amalga oshirish manzili Toshkent shahri, Chilonzor tumani, , 2-mavze, 34-uy, 7-xonadon

Guvohnoma: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

Amal qilish sanasi:

30.09.2023

Amal qilish sanasi(Kun,oy,yil)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR CHILONZOR TUMANI YAKKA TARTIBDAGI TADBIRKOR
KURBANKULOV JASUR ABDURAZZOKOVICH

Асл нусха тўғри

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 103255 на приобретение услуги по предоставлению доступа к электронной библиотеке**

Способ проведения электронный

Дата 16.06.2022

Время рассмотрения 16.06.2022 13:28

Конкурсная комиссия Тошкент тумани 32-СОНЛИ БМСМ, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | LI VALENTINA IVANOVNA | Maktab Direktori | 32-BMSM |
| **Член комиссии** | MIRAXMADOV XABIBULLO FAXRIDDIN O'G'LI | Ovoz operatori | 32-BMSM |
| **Секретарь комиссии** | KUTBITDINOVA SAODAT SATTAROVNA | Kutubxonachi | 32-BMSM |
| **Член комиссии** | TURGUNOVA MUNISAXON BAXTIYAROVNA | O''qituvchi | 32-BMSM |
| **Член комиссии** | PULATOVA NARGIZA ULMYASEVNA | Xo'''jalik mudiri | 32-BMSM |
| **Член комиссии** | SIDIKOVA UMIDA ANVAROVNA | O'quv ma'rifiy ishlari bo'yicha direktor o'rinbosari | 32-BMSM |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.06.2022 года № лота 103255.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по предоставлению доступа к электронной библиотеке** |
|---|---|
| Подробное описание | O`quv metodik qo`llanmalarining elektron nusxalarini yaratish |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 16 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 16 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчининг мусиқа ва санъат сохасида ўқув-методик қўлланмалари ўз базасига (шу жумладан ўзбек тилида) эга эканлиги Мавжуд базани буюртмачининг компьютерига оффлайн офлайн ўрнатиш имконияти

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган мусиқа йўналишлари бўйича дастурлардаги асарлар алохида синфларга бўлинган ҳолда жойлаштириб чиқилади.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **YaTT Jangirov** | 100 | мусиқа йўналишлари | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Q. | | бўйича дастурлардаги асарлар алохида синфларга бўлинган ҳолда жойлаштириб чиқилади. базани буюртмачининг компьютерига оффлайн офлайн ўрнатиш имконияти мавжуд эмас | | | | |
| YaTT Kurbankulov Jasur Abdurazzokovich | 100 | Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган мусиқа йўналишлари бўйича дастурлардаги асарлар алохида синфларга бўлинган ҳолда жойлаштириб чиқилади. Болалар мусика ва санъат мактабларининг барча йуналишлари буйича уз базамизга эгамиз. Мавжуд базани буюртмачининг ички компьютерларига офлайн урнатиб бериш имкони мавжуд | 30 | Экспертная | | |

Критерий №2 Харид қилиш ҳужжатларининг техник қисми талабларига мувофиқлиги. Электрон кутубхона ташкил этиш сохасидаги иш тажрибаси Бажарилган ишлар бўйича тавсияларнинг мавжудлиги болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқув меотдик ресурлари электрон базаси CSS, HTML дастурлари асосида буюртмачи томонидан тавсия қилинган талаб бўйича яратилади.

Тип: Текстовое значение

Описание: 2. Ўқувчилар томонидан фойдаланиш қулай бўлиши учун китоблар ва асарлар йўналишлар, жанрлар, алфавит кўринишида жойлаштирилади. 3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган мусиқа йўналишлари бўйича дастурлардаги асарлар алохида синфларга бўлинган ҳолда жойлаштириб чиқилади. 4. Электрон кўринишдаги зарур адабиётлар рўйхати БМСМ томонидан Excel дастурида тақдим қилинади. Электрон базадаги умумий рўйхат 4300 та китобни ва 7200 та алоҳида асарни ташкил қилади.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| YaTT Jangirov Q. | 100 | Электрон кутубхона ташкил этиш сохасидаги иш тажрибаси мавжуд эмас | 5 | Экспертная | | |
| YaTT Kurbankulov Jasur Abdurazzokovich | 100 | Электрон кутубхона ташкил этиш борасида куйидаги муассасаларда ишлар амалга оширилган: Тошкент вилоятининг 6-, 7-, 8-, 12-, 22-сонли, Тошкент шахрининг 5- | 30 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | , 10-, 15-, 20-, 21-, 22-, 25-, 29-БМСМлари | | | | |

Критерий №3 O`quv metodik qollanmalar elektron kutubxonasini tashkil etish

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўқув методик ресурлар электрон кутубхонаси умумий кўриниши дизайнини ишлаб чиқади. Дизайн тасдиқланганидан сўнг HTML, CSS дастурлари ёрдамида электрон кутубхонани яратади. Ўқувчилар томонидан фойдаланиш қулай бўлиши учун китоблар ва асарлар йўналишлар, жанрлар, алфавит, синфлар кўринишида жойлаштиради. Базага жами 4300 та китоб, 7200 та алохида асарлар жойлаштирилади. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган китоблар сканерлаб PDF форматда базага жойлаштирилади. электрон кутубхона ташкил этиш буйича килинган ишлар такдим этилади.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **YaTT Jangirov Q.** | 100 | Мавжуд асосида БМСМнинг электрон кутубхонаси ташкил килинади. Базага жами 4300 та китоб, 7200 та алохида асарлар жойлаштирилади. | 20 | Экспертная | | |
| **YaTT Kurbankulov Jasur Abdurazzokovich** | 100 | Ўқув методик ресурлар электрон кутубхонаси умумий кўриниши дизайнини ишлаб чиқади. Дизайн тасдиқланганидан сўнг HTML, CSS дастурлари ёрдамида электрон кутубхонани яратади. Ўқувчилар томонидан фойдаланиш қулай бўлиши учун китоблар ва асарлар йўналишлар, жанрлар, алфавит, синфлар кўринишида жойлаштиради. Базага жами 5000 та китоб, 8270 та алохида асарлар жойлаштирилади. | 30 | Экспертная | | |

Критерий №4 Bolalar musiqa va san'at maktabida mavjud bo'lgan o''quv qollanmalarni elektron shaklga kelirish

Тип: Текстовое значение

Описание: Mavjud kitoblarning elektron nusxalarini yaratish Madaniyat vazirligi tomonidan taklif etilgan o'quv dasturlarni va elektron kitoblarni qoshib borilishi

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **YaTT Jangirov Q.** | 100 | Буюртмачи такдим килган китоблар | 15 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| | | сканер килиниб PDF форматга утказилиб берилади | | | | |
| **YaTT Kurbankulov Jasur Abdurazzokovich** | 100 | Буюртмачи томонидан тақдим қилинган китоблар сканерлаб PDF форматда базага жойлаштирилади. Йил давомида базага янги кулланмалар кушиб борилади | 30 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
| --- | --- | --- | --- | --- |
| **YaTT Kurbankulov Jasur Abdurazzokovich** | 16 000 000.00 | 15 750 000.00 | 13.06.2022 15:47:03 | 40.00 |
| **YaTT Jangirov Q.** | 16 000 000.00 | 15 800 000.00 | 13.06.2022 15:40:52 | 39.87 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
| --- | --- | --- | --- |
| **YaTT Kurbankulov Jasur Abdurazzokovich** | 18 | 40 | 58 |
| **YaTT Jangirov Q.** | 7.5 | 39.87342 | 47.37342 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 103255 от 16.06.2022 года на приобретение услуги по предоставлению доступа к электронной библиотеке определила победителем:

YaTT Kurbankulov Jasur Abdurazzokovich
464766878

и резервный исполнитель: YaTT Jangirov Q. (510385143)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
| --- | --- | --- | --- |
| **Член комиссии** | MIRAXMADOV XABIBULLO FAXRIDDIN O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURGUNOVA MUNISAXON BAXTIYAROVNA | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | LI VALENTINA IVANOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | PULATOVA NARGIZA ULMYASEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | SIDIKOVA UMIDA ANVAROVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Tasdiqlayman Maktab direktori

Li V.I. ________ 21.06.2022yil

# Bayonnoma №1

21.06.2022 yil LOT №103255

Elektron kutubxona tashkil etish uchun Etender.uzex.uz saytiga 32-Bolalar musiqa va san`at maktabi tomonidan 09.06.2022 yil joylangan e`londa YATT Jangirov Q. va YATT Kurbankulov Jasur Abdurazzokovich 7 kunlik e`londa ishtrok etdi "YATT Kurbankulov Jasur Abdurazzokovich" komissiya a`zolari tomonidan yuqori ball to`plagan 17-20 iyun kunlarida xech qanday e`tiroz va shikoyatlar bo`lmadi YATT Kurbankulov Jasur Abdurazzokovich go`lib deb topildi.

**Komissiya raisi :** Maktab direktori — Li Valentina Ivanovna

**Komissiya a`zosi :** O`MIBDO` Sidikova Umida

**Komissiya a`zosi :** Xo`jalik mudiri Pulatova Nargiza

**Komissiya a`zosi :** O`qituvchi Turgunova Munisa

**Komissiya a`zosi :** Ovoz operatori Miraxmadov Xabibullo